



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 261–262 (13.594–13.595)

Баҳоси эркин нархда

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби
Иброҳим Ғафуровга

Муҳтарам Иброҳим Усмонович!
Авваламбор, Сизни қамолот ва дониш-
мандлик фасли – табаррук 80 ёшингиз билан
самимий муборакбод этаман.

Эл-юртимиз Сизни ноёб истеъдоди ва
самарали ижоди билан жамиятимизнинг
маънавий ва ижтимоий равақига муно-
сиб ҳисса қўшиб келаётган атоқли маъри-
фатпарвар адиб, йирик олим, фаол жамо-
ат арбоби сифатида яхши билади ва юк-
сак қадрлайди.

Сизнинг йигирманчи аср ўзбек адаби-
ётида ўчмас из қолдирган буюк сўз санъ-
аткорларининг мураккаб ва ибратли ҳаёт
ва ижод йўлига бағишланган теран ада-
бий тадқиқотларингиз, "Ўзгалликнинг ол-
мос қирралари", "Ҳосиб", "Енар сўз", "Ям-
яшил дархат", "Ҳаё – халоскор", "Мангу ла-
тофат" сингари ўқувчилар қалбидан чуқур
жой олган китоб ва рисоаларингиз ўзбек
адабиётшунослиги ва танқидчилигининг
ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Айни пайтда адабиёт илосмандлари
Сизни бадиий таржима соҳасида ўзига
хос мактаб яратган, миллий адабиётимиз
хазинасини бойитишга улкан ҳисса қўшган
беназир ва моҳир таржимон сифатида
эътироф этадилар.

Ўзбек китобхони Сизнинг заҳматли из-
ланишларингиз туфайли жаҳон адабиётининг
муҳим муносабат билан тантанали тадбир
бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Иброҳим Ғафуровга табригини Президентнинг
Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб
эшиттирди.

Давлат ва жамоат арбоб-
лари, олимлар, ижод аҳли
жам бўлган кечада юридик
фанлари доктори, профессор
А.Саидов, "Ёшлик" журнали
бош муҳаррири Н.Жоноқов ва
бошқалар ўзининг кенг қам-
ровли ижоди билан китобхон-
лар қалбидан жой олган Ибро-
ҳим Ғафуров адабиётимизнинг
ҳақиқий жонқури сифа-
тида фаоллик кўрсатаётгани,
айниқса, унинг таржималари
халқимизни, ёш авлоднинг жа-
ҳон адабиётига ошно этаёт-
ганини алоҳида таъкидлади.

Иброҳим Ғафуров 1937
йил 27 декабрь кунин Тошкент
шаҳрида туғилган. Унинг ижо-
дий шаклланишида талабаллик
йиллари ва меҳнат фаолияти

сабоқ бериб, қўлаб истеъдодли шогирд-
лар тарбиялаганингиз ҳар томонлама таъ-
синга лойиқдир.

Ватанимиз мустақиллигининг илк йил-
ларидан бошлаб Сиз Олий Мажлис депу-
тати, "Миллий тикланиш" демократик
партияси раҳбари сифатида демократик
ислохотларни ҳаётга жорий этиш, хусусан,
миллий қонунчилигимиз асосларини мус-
таҳкамлаш ва оммавий ахборот воситала-
рини ривожлантириш борасида жонбоз-
лик кўрсатдингиз.

Сизнинг мамлакатимиз тараққиёти ва
жамиятимиз равақи йўлида олиб бора-
ётган кўп йиллик самарали хизматларин-
гиз давлатимиз томонидан муносиб баҳо-
ланиб, "Дўстлик", "Меҳнат шухрати" орден-
лари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби" фахрий унвони билан таъ-
дирланганингиз барча адабиёт мухлисла-
рини албатта қувонтиради.

Ватан ва миллатга, сўз санъати-
га ҳақида сўз борганда, жамоатчили-
гимиз, халқимиз, биринчи навбатда, ўз
касбининг устаси ва фидойиси бўлган Сиз
каби илгор фикрли зиёлиларимизнинг
номларини ҳурмат билан тилга олиши та-
биийдир.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий
жараёнлар янги, юксак босқичга кўтари-
либ, ҳал қилувчи кўнға айланганда бу-
гунги кунда Сиз сингари чуқур билим ва
ҳаётий тажрибага, фаол ижтимоий пози-
цияга эга бўлган, қалби, виждони уйғок
замондошларимизнинг ҳаётдаги ўрни ва
таъсири тобора ортиб бормоқда. Сизнинг
мана шундай улғу ва табаррук ёшда ҳам
фаол ва жўшқин ижод билан шуғулланаёт-
ганингиз барчамиз учун, аввало, навқирон
истеъдод эгалари учун юксак ўрнак ва иб-
рат намунасидир.

Ижод ва илҳом завқи Сизни ҳеч қачон
тарк этмасин!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт,
янги-янги асарлар қувончи доимо ёр бўли-
шини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

КИТОБГА ҲАМРОЗ УМР

Атоқли таржимон, адиб ва олим, Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби Иброҳим Ғафуров таваллудининг 80 йиллиги
мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Ўзбек Миллий академик
драма театрида шу муносабат
билан тантанали тадбир
бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Иброҳим Ғафуровга табригини Президентнинг
Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб
эшиттирди.

Давлат ва жамоат арбоб-
лари, олимлар, ижод аҳли
жам бўлган кечада юридик
фанлари доктори, профессор
А.Саидов, "Ёшлик" журнали
бош муҳаррири Н.Жоноқов ва
бошқалар ўзининг кенг қам-
ровли ижоди билан китобхон-
лар қалбидан жой олган Ибро-
ҳим Ғафуров адабиётимизнинг
ҳақиқий жонқури сифа-
тида фаоллик кўрсатаётгани,
айниқса, унинг таржималари
халқимизни, ёш авлоднинг жа-
ҳон адабиётига ошно этаёт-
ганини алоҳида таъкидлади.

Иброҳим Ғафуров 1937
йил 27 декабрь кунин Тошкент
шаҳрида туғилган. Унинг ижо-
дий шаклланишида талабаллик
йиллари ва меҳнат фаолияти

муҳим омил бўлди. Ижодкор-
нинг илк китоби "Ўзгалликнинг ол-
мос қирралари" деб
номланган. Кейинчалик унинг
"Ўттиз йил изхори", "Унутил-
маган бот", "Ҳосиб", "Енар сўз", "Ям-
яшил дархат", "Ҳаё – халоскор", "Мангу ла-
тофат" сингари китоблари бирин-кетин
нашр этилди. Адибнинг "Ҳаё
– халоскор", "Мангу латофат"
ва бошқа қатор манусуралари
аллақачон ўқувчиларнинг
қўнғил мулкига айланиб ул-
гурган.

– Иброҳим Ғафуров таржи-
ма соҳасида ўзига хос мактаб
яратган улкан ижодкор, –
дейди академик Бахтиёр
Назаров. – У жаҳон адабиётининг
улғу намояндалари асар-
ларини она тилимизга таржи-
ма қилиб, ўзбек китобхонини
чет эл адабиёти билан таниш-
тиришга муносиб ҳисса
қўшди. Сўз ва сўз сеҳрини
юрқандан хис этган И.Ғафуров
"Жиноят ва жазо", "Телба",
"Қиморбоз", "Азизим", "Алви-

до қурол", "Чол ва денгиз",
"Киёмат", "Енги" каби асар-
ларни таржималарида бутун-
лай янги талқинда, ўзбекона
руҳиятда намоён қила олди.

– Бугунги тадбир оиламиз
учун катта шодония ва уну-
тилмас хотираларга бой
бўлди, – дейди ижодкорнинг
билдирди. Президентимиз
Шавкат Мирзиёев юксак қадр-
лаб, таъбир йўлида. Кеча иш-
тирокчилари қаторида бундай
улғу эҳтиромни биз фарзанд-
лари ҳам шодлик ва ҳаяжон
билан эшитдик. Президентимиз-
га, халқимизга оиламиз
номидан чуқур миннатдорлик
билдирдим.

Тантанали тадбирда "Ўзбек-
кино" Миллий агентлиги то-
монидан яратилган Иброҳим
Ғафуров ҳақидаги ҳужжатли
фильм намойиш этилди.
Санъаткорлар ижросида куй-
қўшиқлар, шoirлар томони-
дан шеърлар ўқилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири



Ҳар сафар Мустақиллик май-
донидан ўтар эканмиз, ушбу
ноёб меъморий ансамбль қарши-
сида беихтиёр ўйга толади киши.
Она Ватанимизнинг тарихи, буюк
аждодларимиз, шонли ва сурон-
ли ўтмиши ҳаёлда гавдаланади.

Улғу салтанат асосчиси Сохиб-
қирон Амир Темур, буюк аждод-
ларимиз Абу Райхон Беруний,
Абу Али ибн Сино, Алишер На-
воий, Жалолиддин Мангуберди,
юлдузларни кашф қилган Мирзо
Улуғбек, Ҳинд сори армон билан
йўл олган Захриддин Муҳаммад
Бобур, миллатни уйғотишга шай-
ланган ва қатагон бўлган жадид
боболаримиз, сўнг Иккинчи жа-
ҳон урушида ғалабага муносиб
ҳисса қўшган, "оқ олтин"дан тоғ-
дай хирмон уюб, бегона қарвон-
ларга топшириб, кетмонига
ўйчан, унсиз суяниб турган фи-
дони ва деҳқон боболаримиз,
қўли қадоқ моомларимиз ёдга ту-
шади...

Бугун истиқлол қуёшидан баҳ-
ра олаётган халқимизнинг нури
қибласи, бахтиёр нигоҳи, фар-
зандларимизнинг қувончу завқи
беихтиёр қалбда шўқроналик,
ғурур-ифтихор ҳиссини жўш ур-
диради.

2005 йил Биринчи Президенти-
миз Ислам Каримов гоёси ва та-
шаббуси билан мамлакатимиз-
нинг бош майдонидида барпо этил-
ган, қуқур ва кенг маъно-мазму-
ни билан барчамиз учун азиз
бўлган муқаддас қадриятларни

ўзида мужассам этган ушбу маж-
муа аждодларимизга армон
бўлган ва халқимизнинг азму
шижоати туфайли қўлга киритил-
ган энг улғу, энг азиз неъмат
бўлимиш истиқлолимиз, бугунги
тинч-осойишта, фаровон, бахтли
ҳаётимиз, орзу-ниятларимиз,
буюк келажаққа мустаҳкам ишон-
чимиз тимсолидир.

...Мустақиллик майдони хал-
қимизнинг қўнғилдай кенг Эзгу-
лик аркасида бошланади. Ар-
қанинг баланд ва мустаҳкам ус-
тулари мустақил тараққиётимиз
асосининг мустаҳкамлиги, танла-
ган йўлимизнинг қатъийлиги
рамзи, арқа тепасидаги оппоқ
лайлақлар тинчлик-осойишталик,
мусаффо осмонимиз тимсоли,
қанот қоқаётган турналар эса бу-
ғундан маъно топиб, фаровон
турмуш кечириётган халқимиз-
нинг эртанги кун, улғувор мак-
садлар, юксак марралар сари
интилаётганига ишора.

Дунёда давлатлар кўп, аммо
она Ватан – Ўзбекистон ягона-
дир. Майдоннинг тўрида савлат
тўкиб турган обида тепасидаги
зарҳал қурраи заминимиз ва
унда ажралиб турган Ўзбекистон
харитаси бу ерга келган юрт-
дошларимизда жаҳон майдони-
да ўз макеи, обрўсига эга юрт
фуқароси эканидан фахрланиш
туғйисини уйғотишда шубҳасиз.
Фарзандини бағрига босиб, унга
қувонч, меҳр-муҳаббат билан
бўлган муқаддас қадриятларни

28 декабрь – Мустақиллик ва эзгулик
монументи очилган кун

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ, БАХТИМИЗ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

ҳайкали – Ватан, онасининг
қучоғида осуда ором олаётган
ғўдак буюк келажагимиз тимсо-
лидир.

Бугун мустақил мамлакатимиз
тараққиётнинг янги босқичига
қадам қўйди. Дунё ҳамжамияти,
халқаро нуфузли ташкилотлар,
хорижий давлатлар Президенти-
миз Шавкат Мирзиёев томони-
дан барча жаҳода амалга оши-
рилаётган кенг қўламли ислохот-
лар, ўзгариш ва янгиланишлар,
юртук ва марраларни, мамлақати-
мизнинг улкан салоҳиятини эъти-
роф этмоқда. 2017 йилнинг Халқ
билан мулоқот ва инсон манфа-
атлари йили деб номланиши,
Ўзбекистон Республикасини ри-
вожлантиришнинг бешта устувор
йўналиши бўйича Харақатлар
стратегиясининг қабул қилини-
ши, барча соҳаларда улкан ис-
лохотларнинг амалга оширили-
ши замирида халқимизнинг ҳаёт
даражасини яхшилаш, бугундан
рози бўлиб, келажақга қатъий
ишонч билан яшашини таъмин-
лаш мақсади мужассамдир.

Умумхалқ байрамлари ва тан-
танали маросимларда, спортчи-
ларимизни йирик халқаро мусо-
бақаларга кузатиш ёки юртимиз-
да йирик халқаро қўриқ-танлов
ва мусобақаларни ўтказиш олди-
дан ушбу обида пойига гулчам-
барлар қўйиш анъана тусини
олди. Шунингдек, юртимизга
ташриф буюрадиган хорижий
мамлакатларнинг раҳбарлари,

турли даражадаги делегациялар
вакиллари ва бошқа меҳмонлар
ҳам Монумент пойига гулчамбар
қўйиб, мустақил Ўзбекистони-
мизга ҳурматини ифода этади.

Мустақил ҳаёт оstonаси сари
одимлаётган келин-куёвлар эзгу
ният билан Эзгулик аркасида
ўтиб, пок ният ва ғўзал амаллар
рамзи бўлган оқ мармарлардан
юрйиб Бахтиёр она пойига гул
қўйarkan, унинг сиймосида ўзи-
нинг беғубор, боқира орзуларини
кўргандек бўлади. Пойтахти-
миздаги таълим муассасаларининг
янги ўқув йилидаги илк дар-
си – Мустақиллик дарси бош
майдонимизда, ушбу монумент
қаршисида ўтказилади. Бу мак-
таб оstonасига илк қадам қўяёт-
ган фарзандларимиз қалби ва
онгига мустақиллик, Ватан, она
каби муқаддас тушунчаларни
сингдиришга хизмат қилади.

Шу кунларда Мустақиллик май-
дони янада қўрқам ва файзли
қиблага кирган. Янги йил бай-
рами арафасида қад ростлаган
улкан арчадаги турфа безаклар
ва камалакранг чироклар, май-
донда барпо этилган ўзига хос
эртақлар шаҳарчаси барчага
завқ-шавқ улашмоқда. Истиқло-
лимизнинг буюк неъматларидан
баҳра олиб улғайётган бахтиёр
фарзандларимизнинг қувончу
завққа тўла шодон кулгуси бутун
оламга таралади.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БОЛАЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Янги йил байрами шуқуҳ кезаётган шаҳар ва
қишлоқларимизда, хонадонларимизда хотиржамлик ва
кўтаринки кайфият сезилмоқда. Зотан, осойишталик,
аҳил-иноқлик ҳукмрон юртга шодиёналар ярашади.

Юртимизнинг барча ҳудудидаги таълим
масканлари, маданият ва санъат саройла-
рида Янги йил байрами нишонланаётган шу
кунларда Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари
ўғил-қизлари, "SOS – Ўзбекистон болалар
маҳаллалари" тарбияланувчилари, ота-она
қарамонидан маҳрум бўлган, ота-оналари Ва-
танга хизмат қилиш йўлида қурбон бўлган
болалар учун Президент совғалари тайёр-
ланди.

Бу Ўзбекистон Республикаси Халқ таъли-
ми вазирлиги томонидан қатор ташкилотлар
ҳамкорлигида ушбу байрамни юксак савия-
да ўтказиш мақсадида ташкил этилди.
Президентимизнинг ўн икки турдаги ўқув ан-
жомлари, турли ширинликлардан иборат

Янги йил совғалари масъул ташкилотлар то-
монидан Қорақалпоғистон Республикаси,
барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрига еткази-
либ берилди.

Ўғил-қизларга кўрсатилаётган бу каби юк-
сак меҳр-мурувват ва эътибор уларнинг яхши
таълим-тарбия олиши, ўқиб-изланиши,
дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган авлод бўлиб
вояга етиши, ўз билим ва салоҳиятини юк-
салтиришида муҳим аҳамият касб этади.

Янги йил арафасида ўтказилаётган бай-
рам шодиёналари ёруғ ва саодатли, тинч-
осойишта кунларимизга, осмонимиз мусаф-
фолигун, истиқлол неъматларига шўқрона
туғйисига уйғун бўлади. Болалар учун бе-
ғубор орзу-умидлар байрамга айланган



ушбу тантаналар давомида давлатимиз раҳ-
барининг совғалари кичиктойларнинг қувон-
чини янада оширади.

Совғалар 29 декабрдан бошлаб Қорақал-
поғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва
барча вилоятларда ташкил этиладиган
"Президент арчаси" тадбирларида кичик-
тойларга тантанали равишда топширила-
ди.

Бу каби саяй-ҳаракатлар ёш авлоднинг
миллий ва умуминсоний қадриятлар асоси-
да вояга етиши, Ватани ва халқи тақдирига
даҳлдорлик ҳисси билан улғайиши йўлида
кўрсатилаётган улкан эътиборнинг амалий
ифодасидир.

Барно МЕЛИКУЛОВА

ВАТАНГА САДОҚАТ, ХАЛҚҚА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Халқимизда "Кўза кунда эмас, кунда синади", деган нақл
бор. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бу нақл,
айниқса, бугун янаям ўз исботини топаётгандай гўё. Чунки
халқни, давлатни, Ватанини алдоб, унинг ҳақиқа хиёнат
қилганларнинг, ўз нафсини халқ манфаатларидан устун
қўядиганларнинг қинғирликларга тўла кўзалари синиб, асл
қибфаси намоён бўлиб бормоқда...

Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқлар
ва турли сайтларда Ўзбекистон Республи-
каси Молия вазирлиги тизимидаги ўзгариш-
лар, ҳодимларнинг ишдан бўшатилгани
тўғрисида турли хабарлар тарқалди. Баъзи
манбаларда вазирлик тизимида бир кунда
50 ҳодим лавозимидан озод этилди, деган
гап-сўзлар чиқди.

Аслида қандай бўлган эди, нечта ҳодим
ишдан бўшган?
Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти этиб сайланган

кундан бошлаб барча соҳаларда катта
ислохотларга раҳнамолик қилмоқда.
Ҳокимиятнинг барча органлари ва бош-
қарувининг барча бўғинлари фаолиятини
ўз чиқишларида танқидий таҳлил қилиб
келмоқда. Яъни "Халқ давлат идорала-
рига эмас, балки давлат идоралари халқ-
имизга хизмат қилиши керак", деган ғоя
Шавкат Мирзиёевнинг фаолияти мезо-
нига айланган.

(Давоми 2-бетда)




• Янги йил байрами олдида "Нукус деҳ-
қон бозори" акциядорлик жамияти томони-
дан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсу-
лотлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта иш-
ловчи корхоналар, фермерлар ва тадбир-
корлар томонидан ишлаб чиқарилаётган
чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик,
асаларчилик, мева-сабзавот ва полиз маҳ-
сулотлари арзон нархларда сотилмоқда.
Натижада халқимизнинг Янги йил байрами
дастурхони турли ноз-неъматларга тўкин
бўлиши таъминланмоқда.

• Наманганда 205 нафар профилактика
инспекторига хизмат уйи ва имтиёзли кре-
дит асосида "Matiz" автомобили калити тан-
танали равишда топширилди.

• Бухорода "Миллий армиямиз – ёшлар-
нинг мардлик, матонат ва жасорат макта-
бидир" шiori остида "Армия ва ёшлар"
фестивали ўтказилди. Ёшлар ўртасида со-
лом турмуш тарзини тарғиб этиш ва улар-
нинг жисмоний чиниқишига хизмат қилади-
ган мазкур тадбирга 2 мингдан зиёд ҳар-
бий хизматчи, ўқувчи ва талабалар қамраб
олинди.

• Жиззах давлат педагогика институти-
да атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф
Рашидов ҳаёти ва ижодида бағишланган
"Инсон давр кўзгусида ва давр инсон тақ-
дирида" китобининг тақдими бўлиб ўтди.



• "Тембин" тўфонининг Филиппинга ху-
ружи давомида сув тошқинлари ва ер қўчи-

лари натижасида битта қишлоқ бутунлай
вайрон бўлди, 30 киши ҳаётдан кўз юмди,
60 га яқин одам бедарак йўқолди. Тўфон
жами 70 минг кишининг уй-жойини вайрон
қилди. Таъкидлаш жоизки, "Тембин" Филип-
пинга ҳар йили хуруж қиладиган 20 та
тўфоннинг биттасидир.

• Кубадаги анъанавий карнавал чоғида
фейерверкнинг портлаши натижасида 39
киши турли даражада жароҳат олди, улар-
нинг 20 нафари оғир аҳволда касалхона-
ларга ётқизилди. Ҳозирда ушбу бахтсиз
ҳодисанинг сабабларини аниқлаш ишлари
олиб боришмоқда.

• Япониялик олимлар томонидан синган
тақдирда ўз тузилмасини қайта тиклай ола-
диган шиша ихтиро қилинди. Ушбу кашфи-
ёт янги елим тури устида иш олиб борила-
ётган пайтда юзага келди. Мазкур янгилик
айниқса уяли телефонлар ерга тушиб экра-
ни синган ёки дарз кетган ҳолатларда жуда
қўл келади. Бунда шиша экранининг тўлиқ
тикланиши учун 6 соат вақт кетади.

КЕЛИНГ, КЎРИНГ УЙИМИЗНИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманида қурилган янги кўп қаватли уй-жойлардан бир нечта хонадон имконияти чекланган, эътиборга муҳтож инсонларга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, уларни замонавий, шинам, арзон уй-жойлар билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Жорий йилда Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида саккиз юздан зиёд эътиборга муҳтож инсонга ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламаси, бошқа зарурий тиббий ан-

жомлар, дори-дармонлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам бериб борилди.

Шунингдек, уй-жойга муҳтож 30 нафар юртдошимизга уй олиши учун бошлангич маблағ тўлаб берилди. Тошкент шаҳрида яшовчи имконияти чекланган фуқароларнинг 44 нафари имтиёзли, арзон, барча шарт-шароитга эга кўп қаватли уйлардан ўз хонадонига эга бўлди.

– Биргина бизнинг туманимиздан бешта ана шундай оила Янги йилни ўзининг янги йида нишонлайди, – дейди Бектемир тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова. – Уларнинг қувончини кўринг. Эътибор ва эъзоздан мамнун. Бу уларнинг кўзида, сўзида мужассам. Юр-

тимизда давом этаётган бундай хайрли, эзгу ишлар фуқароларнинг манфаатлари ҳамиша ҳимояда эканининг ифодасидир.

Ушбу туманда яшовчи Абдулла Баҳовуддинов автохалокат сабабли икки оёғидан ажралганди. Кичкина ховли-жойда 4 оила истикомат қилиб келарди. Янги хонадонлардан бири унга берилди.

Тадбир доирасида кардиолог, терапевт, педиатр, окулист ва бошқа мутахассислардан иборат гуруҳлар иштирокчилари лаборатория, ЭКГ, УТГ ёрдамида тиббий текширувдан ўтказди.



Нуронийлар, имконияти чекланганлар, эҳтиёжманд оилалар вақиллари учун байрам дастурхони ёзилди. Уларга уй калитлари билан бирга уй-рўзгор учун керак бўладиган маиший техникалардан иборат совғалар ҳам топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов иштирок этди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

СИЙРАТ СУРАТГА МУНОСИБ БЎЛАДИ

Бугун дунёнинг жуда кўп минтақаларида сиёсий ва ижтимоий муаммолар хуруж қилиб турган бир шароитда озод ва мустақил Ўзбекистонимизда халқ манфаатларига хизмат қиладиган оламшумул ўзгаришлар, беқиёс янгиликлар содир бўлаётгани биз, ижод аҳлини қувонтиради. Жумладан, мамлакатимиз Президентни Шавкат Мирзиёев 23 декабрь кунини пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилаётган Адиллар хиёбонига бориб, бу ерда амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари билан танишишни ижод аҳлини янада руҳлантириб юборди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиллар хиёбонини барпо этиш тўғрисида"ги қарорига биноан Миллий боғни ободонлаштириб, гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, атоқли сўз санъаткорларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида қатор тadbирлар амалга оширилмоқда. Шу кунини давлатимиз раҳбари кўска вақт ичида Адиллар хиёбони ҳудудида барпо этилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги, замонавий биноси билан танишиб, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот қилди.

Мазкур икки қаватли мухташам бинонинг биринчи қаватида "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока", "Ешик" журналлари таҳририятлари, "Ижод" жамоат фонди, 150 ўринли фаоллар зали жойлашди. Иккинчи қаватдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви маъмурияти, турли тadbирлар, урчушлар ўтказиладиган битта 50, иккита 30 ўринли заллар ўрин олган. Шунингдек, бинода кутубхона, музей ҳам бор.

Янги биладимиз, Шавкат Мирзиёев ўз фаолияти давомида ҳамма зиёлиларни, ижод аҳлини қизғин қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бунга у кишининг Ўзбекистон Қаҳрамонлари, элимизнинг суюқ-

ли ижодкорлари Эркин Вожидов ва Абдулла Ориповга бўлган саноимий эҳтиромини мисол сифатида айтиб ўтишимиз мумкин. Кейинги йилларда Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган китоб мутлоаси, китобхонлик маданияти ва тарбиясини оширишга бағишланган қатор муҳим ҳужжатлар зиёлиларимизни ниятда хурсанд қилмоқда. Зеро, ёшларимиз қанча кўп ўқиса, билса, уларнинг маънавияти, маърифати ҳам шунча юксалади. "Ёшлар – жуда катта куч-қудрат, имкониятлар манбаи. Биз уларни тўғри мақсадга йўналтириш олишми керак. Қўнғилда эзгу нияти бўлмаган инсон турли ёт фовлар қулга айланади. Шу ўринда биз сиз – қалам аҳлига, ёзувчи ва шоирларимизга сўянаимиз. Бу мухташам бино, соҳа вақилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сано-харакатларимиз ижодкорларга гамхўрлик кўрсатиш борадидаги ишларимизнинг дубоаси ва биз бундан асло чекинмаймиз, фақат бир илтимос, сизлар шундай асарлар ёзингларки, уларни ўқиган ёшларимиз ватанпарвар, юртпарвар инсонлар бўлиб ўлгасин, донишмўдлар бўлиб ўлгасин, қалби уйғоқ бўлсин", дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг янги бино билан танишиш жараё-

нида Ёзувчилар уюшмаси кутубхонаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўртасида онлайн ҳамкорлик ўрнатилди заруриятини таъкидлагани ахборот-коммуникация даври янгиликларини ижодий фаолиятига кенг жорий этиш имконини бериши билан, айнакча, қўнғилимиздаги гап бўлди.

Халқимизда "Ранг кўр, хол сўр" деган нақл бор. "Сурат ва сийрат бир-бирига мутаносиб бўлсин", деган ҳикматли сўз ҳам борки, агар шунга ҳукмоя қилинса, бунёд этилган ушбу мухташам бино замонавий адабиётимизнинг бугунги суратидадир. Эндикликда яратадиган асарларимиз ушбу суратга мос сийрат бўлиши лозим.

Барча зарур шарт-шароитларга эга, замонавий жиҳозланган таҳририятимизнинг янги хоналарида ишлаш, ижод қилиш кишига бир олам завқ, илҳом бағишлайди. Бу катта гамхўрлик учун ижодкорларимиз номидан Президентимизга ҳақсиз миннатдорлик билдиримиз. Бу гамхўрлик бизни ҳамиятимиз ҳаётида янада фаол бўлишга, халқимизга манзур бўладиган гоёвий-бадний етук асарлар яратишга ундайди.

Сирожиiddин РАУФ,
"Шарқ юлдузи"
ва "Звезда Востока"
журналлари бош муҳаррири

Жумладан, Фазначиллик бошлиғи ўринбосари – амалиёт бошқармаси бошлиғи Ф.Нурмухамедов, бухгалтерия хисоби ва аудит услубиёт бошқармаси бошлиғи Ш.Хайдаров, саноатнинг базавий тармоқлари ва ёқилғи-энергетика мажмуи молияси бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Абдуллаев, давлат молиявий назорати бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Аъзамов, солиқ ва боғжона-тарифи сиёсати бошқармасининг бошлиғи И.Ғолишова, давлат молиявий назорати бош бошқармаси ташкилий-услубий ишлар бўлими бошлиғи Б.Жумаев эгзалаб турган лавозимидан озод этилди.

Бу каби қатъий қарорга келиш ҳам осон бўлмагани аниқ. Сабаби, бу тизимда мамла-

ган ҳодимлар ўз лавозимидан озод этилди.

Молия вазирлиги тизимидаги вақант иш ўринларини инновацияга ҳая ва фискарга эга, замонавий технологияларни пухта ўзлаштириш, иктидорли ёшлар билан тўлдирish мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юрталарига мурожаатлар юборилган.

Элла Острогжская аслида ким бўлган?

Ижтимоий тармоқлардаги маълумотларда Элла Острогжскаянинг ақл бовар қилмас даражада "ўзлаштириб юборилган" маблаглари ва унинг чет элда ўқиб, ўша ерда яшаб қолган фўрзанди ҳақида баён этилган. Шу-

ВАТАНГА САДОҚАТ, ХАЛҚҚА МУНОСАБАТ ШУМИ?

кат иқтисодиёти, давлат бюджети масалалари ҳал этилади. Демакки, бу масала давлат ташкилотиде ишлаётган раҳбардан тортиб оддий фаррошгача бўлган барча ҳодимлар таъминотида таъсир кўрсатади.

Собик молия вазирли ва ҳодимлар бошқармасининг собик бошлиғи паноҳида бўлган ва ҳанузгача тизимда ишлаб келаётган, молия тизимининг номига доғ тушираётганларни эгзалаб турган лавозимларидан озод этиш юзасидан ҳудудий раҳбарларга қатъий топшириқлар берилган. Олинган маълумотлар кўра, 23 декабрь кунини Тошкент шаҳар давлат молиявий назорати бошқармаси бошлиғи ҳамда унинг 3 нафар ўринбосари ҳам лавозимидан четлаштирилган.

Тозалаш ишлари шу билан тўхтаб қолмаган. Молия вазирлигининг ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан жойлардаги молия идораларидан 273 нафар (23 нафари раҳбар ҳодим), газначилик идораларидан 65 нафар (12 нафари раҳбар ҳодим), пенсия жамғармасидан 100 нафар (1 нафари раҳбар ҳодим), давлат молиявий назорат бошқармалари ҳодимларидан 100 нафари (4 нафари раҳбар ҳодим), тизим бўйича жами 562 нафар давлат хизматчиси номига доғ тушир-

нингдек, унинг чет давлатларда мулкларига борлиги ва бошқа мамлакат фуқаролиги ҳам эга экани қайд этилган.

Бизда бу фактларни тасдиқловчи маълумотлар йўқ. Қўлимиздаги расмий маълумотлар эса қўнғилгача:

Э.Острогжская кўп йиллар Молия вазирлигининг давлат бюджети бош бошқармасининг бошлиғи лавозимиде ишлаган. Фаолияти давомида мамлакатимиз иқтисодиётига ва давлат бюджетига катта зарар етказган. Ўзини хон, қўланқасини майдон, деб ҳисоблаган бу амалдор бюджет профицини кўрсаткичларини сохталаштириш, бу орқали эса сохта обрў-эътибор қозонишга ҳаракат қилган. Хар йили ҳисобот йилининг 15 декабридан бошлаб бюджет ташкилотлари бўйича барча турдаги харажатларни, жумладан, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа зарурий фўрваларни сунъий тўхтайтиб қўйган. Собик вазир билан тил бириктириб, давлат раҳбарига ёлғон ҳисобот беришни оддий ҳолга айлантирган.

Оқибатда ҳудудларнинг режадан ошириб бажарган даромадлари республика бюджетига мажбуран олиб қўйилган. Уларнинг ус-

станциялар – қуёш энергиясини катта микдордаги электр энергиясига айлантирадиган замонавий станциялар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг ишлаш принципи оддий. Бир неча минг квадрат метр майдонга ўрнатилган гелиостат ойналар қуёш билан баробар айланиб, қуёш нурларини суюқлик, қўнғича сув билан тўлдирилган сизимга йўналтиради. Кейинги жараёнлар эса одатда иссиқлик электр станцияларидаги каби давом этади. Яъни, сув исиб қайнайди ва булга айланади. Буғ турбинани, турбина эса генератор роторини айлантиради ва шу тариқа электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Қуёш энергияси, шубҳасиз, келажак энергиясидир. Бугун дунё газ ва нефть наҳиянинг олиши сабабли аънаваний ёқилғи турларидан воз кечмоқда.

Ўзбекистонда ноънаваний энергия манбалари, биринчи навбатда, қуёш энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Биринчи Президентининг Исроҳ Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Фармонида муқобил энергетика соҳасидаги илмий салоҳиятни янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, бу борадаги қўнғичиликни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва боғжона имтиёзлари бериш, "Муқобил энергия манбалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб қуёш энергетикаси бўйича ўз илмий ишланмаларига асосланган янги тараққиёт босқичига кўтарилган мамлакатдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физикатехника институтининг олимлари мамлакатимиздаги улкан гелиоэнергетика салоҳиятидан оқилона фойдаланиш бўйича самарали тadbиротлар олиб бормоқда.

Дилшод ТОЛИПОВ,
"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

тидан ҳукм ўтказиб, бош эгиб келмагуна эркин маблаглар қолдиғи уларнинг ихтиёрига қайтариб берилмаган.

Вазият шу даражагача етиб борганки, Э.Острогжская собик вазир ва ҳодимлар бошқармасининг собик бошлиғи билан тил бириктириб, вазир ўринбосарларига ҳам таъйиқ ўткази бошлаган. Ўзига ёқмаганларнинг лавозимини пасаитириш ёки уларни ишдан бўшатган. Биргина мисол: ҳудудларнинг молиявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилган вазир ўринбосарларидан бирини дастлаб жамғармага, кейинчалик энг қўйи бўғинга ишга юборган. Бугунги кунда ҳақиқат вазор топиб, Президентининг Шавкат Мирзиёев томонидан мазкур шахс муносиб лавозимга тайинланди.

Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда халқимизнинг энг зарур эҳтиёжлари умуман ҳисобга олинмаган. Шу ўринда бир факт: 2016 йилги Давлат бюджетиде тез тиббий ёрдамнинг бир чактури учун бор-йўғи 483 сўм кўзда тутилган. Мамлакатимиз бўйича дори-дармон ва тиббиёт воситаларига 229 миллиард сўм маблаг ажратилган. Бу рақамларни таққослаш учун 2018 йилги Давлат бюджетиде параметрлариде тез тиббий ёрдамнинг бир чактури учун 5 000 сўм ёки дори-дармон ва тиббиёт воситаларига 915 миллиард сўм (4 баравар кўп) режалаштирилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Энди тасаввур қилинг, тез тиббий ёрдамнинг бир чактури учун 483 сўм белгиланган бу "жонқуярлар" нахотки кетадиган ҳақиқий харажатлари ҳисобга олмаган бўлса?

Битта шприц ёки бинт ҳам бундан қиммат-ку?

Техника харажатлари, шифокорнинг бир кунлик меҳнатини қим қилмайди?

Аслида тез тиббий ёрдамга қақирилган шифокорларнинг қўнғичига қараб туришига, жамиятимизда коррупцияга йўл очган шахслар шулар эмасмикан?!

Бу ҳали бир соҳанинг бир йўналиши. Энди қолганларини ўзингиз тасаввур қилаверинг!

Ўқорида айтганимиздек, кўза кунда эмас, кунда синади. Халқига, Ватанига хиёнат қилганлар ҳеч қачон узоққа бормайди.

Абу Бақир ҲОЗОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Япония ҳукумати томонидан "Инсон ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам" дастури доирасида 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, тиббиёт ва таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа нотижорат ташкилотларга уларнинг ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда қўмаклашиш мақсадида беғараз ёрдам кўрсатиб келинади.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Шу кунгача Дастур доирасида республикадаги халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда нотижорат ташкилотларининг 371 та лойиҳалари учун 26 595 588 АҚШ доллари миқдорида маблаг йўналтирилди.

Яқинда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан маҳаллий оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун ушбу Дастурнинг Тошкентдаги фаолиятига бағишланган пресс-тур ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфида бўлган Республика иммунология илмий маркази иммунодиагностика, иммунотерапия ва тиббий генетика масалалари билан шуғулланадиган Марказий Осиёдаги ягона муассаса ҳисобланади. Ушбу муассаса тиббий олий ўқув юрталари, оқумли касалликлар, пульмонология ва бошқа соҳаларда фаолият олиб борадиган барча тиббиёт муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Мазкур марказга 2014 йил Япония ҳукуматининг "Кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам" дастури доирасида 97 минг АҚШ доллари гранти ажратилган эди. Ушбу маблаг ёрдамида замонавий инновацияга асосланган ноёб Цитометрия ускунаси харид қилинди. Ушбу ускуна организмдаги ҳужайралар ва молекулярларни чуқур ўрганиб, аниқ касаллик ташхисини қўйибгина қолмай, балки инсон ўзи билмайдиган касалликлар вирусини ҳам аниқлаб беради.

Аваллари қон анализи орқали ташхис қўйиш учун 2-3 кунлаб вақт кетар эди, – дейди Иммунология марказининг катта илмий ҳодими Умида Набиева. – Цитометрия ускунаси бу амалини ўта аниқлик билан 20-25 минутда амалга оширади. Ушбу ускуна орқали ҳар қандай биологик суюқлик, жумладан турли оқумли, онкологик, аллергия ва аутоиммун касалликларни қон диагностикаси ва прогностикаси орқали аниқлаб берилади. Бундай ноёб ускуна олишга беғараз қўмак берган Япония ҳукуматидан беҳад миннатдоримиз.

Шайхонтохур туманидаги 37-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб ҳукуматининг "Кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам" дастурида ўз лойиҳаси билан иштирок этиб, 2016 йилда 18 937 АҚШ доллари грантига сазовор бўлган эди. Ушбу грант асосида мактаб учун зарур жиҳозлар, жумладан замонавий тикув машиналари сотиб олинди.

– Япония ҳукуматининг беғараз гранти асосида олинган жиҳозлар ўқувчиларимизни беҳад мамнун этди, – дейди мактаб директори Шаҳноза Абдуллаева. – Мактабимизда имконияти чекланган 243 нафар ўқувчи таълим олади. Япония ҳукумати томонидан ажратилган беғараз ёрдам туфайли ўқувчиларимизнинг малака ва қўникмаларини шакллантириш ҳамда уларни ҳаётга тайёрлашда муҳим ўрин тутадиган мактабимизнинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланди.

Пойтахтимиз ҳудудида жойлашган Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери ҳам "Тошкент вилоят онкология диспансери тиббиёт ускуналари билан таъминлаш" лойиҳаси бўйича грант танловида иштирок этиб, 96 792 АҚШ долларлик грантга сазовор бўлган эди. Ушбу маблаг эвазига диспансер "Fuji Film" компаниясининг энг замонавий тиббий ускуналари билан таъминланди.

– Бугунги кунда кўкрак саратони касаллиги нафақат бизда, балки бутун дунёда ҳам жуда катта муаммага айланган. "Fuji Film" оптик ускуналари ҳамда фото-видео қурилмалари аҳолига айнан ушбу муаммони ҳал этишда юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини яратмоқда, – дейди Тошкент вилояти онкология диспансери раҳбари Абдулла Абдиҳақимов. – Мазкур ускуна она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва турли касалликларни олдиндан аниқлашда ижобий натижа бермоқда. Инсон саломатлигини тиклаш йўлида бизга кўрсатилган беғараз ёрдам учун ҳамкорларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ


O'ZSANOATQURILISHBANK

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

*барча юртдошларимизни кириб келаётган
янги 2018 йил билан муборакбод этади!*

*Янги йил Сизга келажакка ёруғ ишонч ва қудратли куч
соғға қилсин, барча яхши ниятларингиз ва қутлуғ
мақсадларингизни амалга оширсин, уйингизга фақат
яхшилик ва бахт ила саодат олиб кирсин!*

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ кенг танлов асосида юқори
даромадли депозитларни қулай шартлар билан таклиф этади:**

Миллий валютадаги омонат:

“Бетақоримсан Ваганим”

Омонат тури — миллий валютадаги муддатли омонат.

Омонатни сақлаш муддати — 5 ой.

Омонатга маблағлар жисмоний шахсларнинг банк пластик карталаридаги
маблағларини нақд пулсиз шаклда ўтказиш орқали қабул қилинади.

Қўшимча шартлари — фондлар омонатчининг аризасига асосан ҳар ой унинг иштирокида
банк пластик картасига нақд пулсиз шаклда ўтказиб берилади.

Омонат муддати тугагандан сўнг омонатнинг асосий суммаси
омонатчининг банк пластик картасига ўтказиб берилади.

Хорижий валютадаги омонат:

“Капитал”

Омонат тури — хорижий валютадаги муддатли омонат.

Омонатни сақлаш муддати — 6 ой.

Қўшимча шартлари — омонатга маблағлар АҚШ долларига нақд пул маблағлари билан қабул қилинади.
Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди. Фондлар АҚШ долларига ҳисобланади ва ҳар ойда тўлаб берилади.

• Банк ўз мижозларининг омонатларини фонд даромадлари билан бирга тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.
• “Ўзсаноатқурилишбанк”даги аҳоли омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
• Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (0 371) 140-66-32, 140-66-33.

Хизматлар лицензияланган.



Yangi yil bilan!

ATB “InfinBANK”

*Sizni 2018 yil bilan chin
qalbdan tabriklaydi!*

InfinBANK

Азиз юртдошлар!

“ASIA KANDI” ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*барчангизни кириб келаётган янги 2018 йил
билан самимий дил изҳорлари ила қутлайди!
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга
тинчлик-хотиржамлик ва фойз-барака тилаймиз.*

*Янги йил сизу бизга бахт, омад ва
олам-олам қувонч олиб келсин!*



КИТОБХОНЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Китобнинг инсон ҳаёти, кишилиқ жамияти маънавий тараққиётидаги беқиёс ўрни қадимдан маълум. У дунёни таниш, билим бериш билан бирга гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ундан завқланиш, ёвузликдан нафратланиш туйғусини пайдо қилади.

Болалар китобхонлигини ташкил қилишда ахборот-кутубхона муассасаси, умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда оила зиммасига нисбатан муносабатини белгилайди. Тан олиш керак, ёшларимизнинг бугунги китобхонлик даражаси юксак даражада эмас. Бу ихтимол муаммодан чиқишнинг ягона йўли ота-онанинг ёрдамга келишидир. Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она болада китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиши керак. Бунда оддийдан мураккаб-ликка, яъни мураккаблиги жиҳатидан нормал, боланинг камолот даражасига мос бўлган китоблар танлаш кўл келади. Шарқ мутафаккирларининг таърибасига кўра, китобхон қайси мавзуга қизиқса шу мавзудagi китобни тақдим қилиш, китоб ўқишга кўникма ҳосил қилган эса аста-секин унга ихтисослашган китоблар тақдим қилиб борилади.

Ота-онанинг болада китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилишдаги илк вазифаси китоб танлаб беришдир. Уларнинг савиясига мос бўлган адабиётларни кенг тарғиб қилиш ёшларни жамиятнинг муносиб фуқароси, мустақил давлатимизнинг етук, баркамол инсонлари бўлиб етишиши учун ва маънавиятининг юксаклиги билан оиласи ва жамиятга фойда келтиришга олиб келади. Шунинг учун бутун оилада китобхонлик руҳи бўлиши керак. Бунда оиладаги китобга бўлган муносабат, биринчи навбатда, ота-онанинг китобга бўлган муносабати муҳим омил ҳисобланади. Оилада китобхонлик руҳи бўлса, бу бевосита боланинг руҳиятига ҳам таъсир этади. Юқорида таъкидланганидек, бунда илк тавсияни бадийи адабиётдан бошлаб, кейинчалик маълум бир ихтисослар бўйича китобларни тавсия этиш мумкин.

Ота-она бола учун китоб танлаётганида китобнинг маъно-мазмун, услубий жиҳатдан мутахассис тавсиялари асосида танлаши мақсадга мувофиқ. Бу тарбиянинг асосий йўналишидан қайтмасликка, ўқиб маънавий дунёсининг тўғри шаклланишига ва қўйилган мақсадга етишишга олиб келади. Бу ўзбек миллий педагогикаси таърибасидан ҳам маълум. Улар талабга жавоб бермайдиган китобни ўз фарзандига ўқишни қатъий таъқиқлаган. Бугун ҳам бу тарбия жиҳати муҳим саналади. Ота-оналар тарбия жараёнининг натижаси бўлган китобхонлик билан кўпроқ қизиқиши керак. Шу маънода ўқималар китобхонлигини мониторинг қилиб бориш мақсадга еттишиш самарали жиҳатларидан биридир.

Мониторинг, ўқилган китоблар юзасидан савол-жавоблар, китобхонлик кечалари, мулоқот, давра суҳбатлари, турли мавзуларда мунозаралар, илмий-амалий анжуманлар, суҳбатлар, социологик-эмпирик тадқиқотлар ва аналитик текширувлар воситасида амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда ўқималарда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш учун асосий мақсад тарғиботнинг янгича турли усуллари асосида маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий меросни тарғиб қилиш, ўтган буюк мутафаккирлар ижодларини кенг ёйиш, ота-бобларимиз, буюк аждодларимиз

қилиш ёшларни жамиятнинг муносиб фуқароси, мустақил давлатимизнинг етук, баркамол инсонлари бўлиб етишиши учун ва маънавиятининг юксаклиги билан оиласи ва жамиятга фойда келтиришга олиб келади. Шунинг учун бутун оилада китобхонлик руҳи бўлиши керак. Бунда оиладаги китобга бўлган муносабат, биринчи навбатда, ота-онанинг китобга бўлган муносабати муҳим омил ҳисобланади. Оилада китобхонлик руҳи бўлса, бу бевосита боланинг руҳиятига ҳам таъсир этади. Юқорида таъкидланганидек, бунда илк тавсияни бадийи адабиётдан бошлаб, кейинчалик маълум бир ихтисослар бўйича китобларни тавсия этиш мумкин.

Ота-она бола учун китоб танлаётганида китобнинг маъно-мазмун, услубий жиҳатдан мутахассис тавсиялари асосида танлаши мақсадга мувофиқ. Бу тарбиянинг асосий йўналишидан қайтмасликка, ўқиб маънавий дунёсининг тўғри шаклланишига ва қўйилган мақсадга етишишга олиб келади. Бу ўзбек миллий педагогикаси таърибасидан ҳам маълум. Улар талабга жавоб бермайдиган китобни ўз фарзандига ўқишни қатъий таъқиқлаган. Бугун ҳам бу тарбия жиҳати муҳим саналади. Ота-оналар тарбия жараёнининг натижаси бўлган китобхонлик билан кўпроқ қизиқиши керак. Шу маънода ўқималар китобхонлигини мониторинг қилиб бориш мақсадга еттишиш самарали жиҳатларидан биридир.

Мониторинг, ўқилган китоблар юзасидан савол-жавоблар, китобхонлик кечалари, мулоқот, давра суҳбатлари, турли мавзуларда мунозаралар, илмий-амалий анжуманлар, суҳбатлар, социологик-эмпирик тадқиқотлар ва аналитик текширувлар воситасида амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда ўқималарда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш учун асосий мақсад тарғиботнинг янгича турли усуллари асосида маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий меросни тарғиб қилиш, ўтган буюк мутафаккирлар ижодларини кенг ёйиш, ота-бобларимиз, буюк аждодларимиз



қолдирган бой маданий ва маънавий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлашдек туйғуларни уйғотиш каби тарғиботни кенг йўлга қўйишимиз керак.

Олимларнинг фикрича бир одам бутун умри бўйи 2000 та китоб ўқий олиш имкониятига эга экан. Шунинг учун болалик, кейинчалик ўқималар йилларида ўқилган китоб унда бир умрга ёрқин таассуротлар қолдириши муқаррардир.

Хулоса қилиб айтганда бугунги экилган яхшилик уруғи – болалар китобхонлигини тарбиялаш, эртанги кун учун мустақам ва баракали ҳосил. Бугун китобга меҳр қўйган бола мустақил Ўзбекистонимизнинг мустақил фикрловчи фуқаросидир. Шунинг учун ҳам кенг жамоатчилик эътиборини болалар ва ўқималар китобхонлиги эстетик диди ва маънавий дунёсини шакллантиришга қаратиш зарур. Ўзликимизни англаётган бугунги кунда инсонларнинг онги ва руҳиятини ҳам тарбиялашдек улкан вазифа қўйилаётган экан – болаликка, хусусан унинг китобхонлигига бепарво бўлмайлик. Она Ватанимизнинг ўзи буюк ва бетимсол китоб. Бу улғувор китобни ўқиб, англамоқ учун ҳам, унинг қадри ва қимматига етиб юрмоқ, чин ва садоқатли, маърифатли ва билимли фарзанди бўлиб шарафламоқ учун ҳам жуда кўп гўзал ва чиройли ҳаёт китобларини мутлоа қилиш шарт ва зарурлигини англаб етган ҳар бир ўқил-қиз шу Ватанинг энг қўрқам ва бахтли дилбанди бўла олади.

Р.ХОДЖАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини
ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтининг тингловчиси

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ МУОМАЛАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг
Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги
кодексининг 185-1-моддаси ҳамда
Жиноят кодексининг 150-1-
моддаларида пиротехника
буюмларини қонунга хилоф равишда
ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш,
ташиш, жўнатиш, улардан
фойдаланиш, худди шунингдек,
уларни қонунга хилоф равишда
Ўзбекистон Республикасига олиб
кириш (Ўзбекистон Республикасидан
олиб чиқиш) ёки ўтказиш билан
шугулланган шахсларга нисбатан жазо
чоралари белгилаб қўйилган.

Давлат солиқ хизмати, ички ишлар органлари ва бошқа тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз ҳудудидида ноқонуний пиротехника воситаларини сотиш ва тарқатилишига уриниш каби ҳолатларнинг олдини олиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, пиротехника воситаларини ноқонуний сақлаш жойлари, хуфийна пиротехника воситаларини сотиш шохобчаларини аниқлаш борасида Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан назорат тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўтказилган тадбирлар натижасида шаҳар ҳудудидида ноқонуний пиротехника воситалари билан савдо қилган 16 та шахсдан 5 млн. сўмдан ортиқ миқдордаги пиротехника воситалари далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди. Мазкур тадбирлар давом эттирилмоқда.

Айни шу кунларда ҳам бозорлар ҳудудлари, маҳаллалар, ўқув муассасалари ва кўча-кўйларда оқошталлиқни таъминлаш, айниқса, ёш болаларнинг соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи пиротехника воситаларини сотмаслик ва харид қилмаслик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Амалга оширилаётган ишлар натижасида ноқонуний пиротехника воситаларини бозор ва дўконларда сотиш, уларни мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга ҳам барҳам берилди.

Шавкат ТУРДИЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ
бошқармаси бошлигининг ўринбосари

“101”

ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ёнғинларнинг юз беришига сабаб бўлмоқда.

Анчанарис қийин, тан жароҳати олганларнинг асосий қисмини ўқималар ташкил этади. Шундай экан бундай ҳолатларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнғинларнинг олдини олган бўламиз.

Б.ЧИНАЗБЕКОВ,
майор,
Қ.АЗИЗОВ,
сержант,
“Бунёдкор” стадиони ЁХБ инспекторлари

Ёнғин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган дахшати фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғин.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолатларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз ёш болаларимизга эътибор бермаслигимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзга келаётганлигини кўрсатади. Билиб туриб ўзи ва мол-мулкни хатарга қўйишди. Қўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганча, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади.

Эслатиб ўтмоқчимизки, аввало ўз уйимизни ўзимиз асрайлик, ҳамиша оғоҳ ва эътиборли бўлайлик.

Зафар ҒОҒУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
биноси Ёнғин хавфсизлиги бўлинимаси
кичик инспектори

Қулатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳар хил ноқонуний йўллар билан даромад топиш мақсадида янги йил байрами арафасида юртимизга кириб келаётган пиротехника воситалари турли фожеваларга сабаб бўлмоқда.

Фарзандларимиз табиий ҳолда бу хавфли пиротехника воситаларига оддий ўйинчоқ сифатида қарашибди. Аслида бу қўпчилигим фалокат. Байрам дастурхони атрофида шоду хушроқлик билан янги йилни қаршилаётган кўнлаб оила фарзандлари бир зумга кўчага чиқадилар, пиротехника воситасидан фойдаланиб, кимнингдир бир умрга қўзғини кўриш, юзига таниб бўлмас даражада дахшатга солувчи аҳволга келтириб қўяди. Бу ноқуш воқеанинг гувоҳи бўлган ота-оналарга байрам у ёқда турсин, ҳар кунги ҳаловат ҳам бутунлай йўқолади.

Байрам арафасида ана шундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун ота-оналар, маҳалла фаоллари, шу билан бирга ички ишлар ходимлари ҳам ушбу асабузарликларга қарши назоратни кучайтиришлари мақсадга мувофиқдир.

С.УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати биносини муҳофиза қилувчи ёнғин
хавфсизлиги бўлинимаси кичик инспектори,
сафдор

Футбол янгиликлари

ЁШЛАРИМИЗ СИНОВДАН ЎТИШАДИ

Келгуси йилнинг январь ойида Хитойда футбол бўйича 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида уюштирилаётган Осиё чемпионатида Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ушбу нуфузли турнирда зафар кучини режалаштирган ёшлар терма жамоамиз айни кунларда Тошкентда ўқув-машғулот йиғини ўтказмоқда. Машғулотлар Қибрайдаги спорт базасида кунига икки мартадан ўтказилмоқда. 30 декабрга қадар давом этади.

Ҳар бир кунда ёшлар терма жамоамиз Қаршининг “Насаф” клуби футболчиларига қарши назорат-ўртоқлик баҳсида майдонга тушади. Ёшлар терма жамоамизнинг мураббийлари йиғинига 24 нафар футболчини жалб қилган.

ҲАМЮРТИМИЗ ФИФА СЕМИНАРИГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Келгуси йилнинг 5-6 февраль кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида ФИФА ташаббуси билан қурраи заминнинг 36 нафар энг тажрибали реферилари иштирокида семинар ташкил этилади.

Қувончли жиҳати шундаки, келгуси йили Россияда футбол бўйича уюштирилаётган жаҳон чемпионатида ишлашга номзод бўлган ФИФА реферилари иштирокида уюштирилаётган семинарга ҳамюртимиз, ФИФА рефериси, қўша-

мининг 5 қарра энг яхши ҳаками, 2010, 2014 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатлари иштирокчиси Равшан Эрматов ҳам таклиф этилди. Албатта семинарда қатнашадиган ҳакамлар фит-нес-тест синовлари ҳам топширишади.

Биз ҳамюртимиз Равшан Эрматовга семинарда муваффақиятли қатнашиб, Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни тилаб қоламиз.

Акбар Йўлдошев

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Миробод туманида жойлашган “Янги Миробод”, “Миробод”, “Байналмилал”, “Лоласор” ва Авлоний номли маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли ва иш фаолиятини юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар (уларнинг мулк шаклидан ва қайси юқори ташкилотга қарашлилигидан қатъи назар) эътиборига!

Хўрматли аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари!

2018 йил 1 январдан бошлаб “Mironshox comfort servis” МЧЖ:

1.Қаттиқ ва суяк маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун нарҳини ойига 1 одам учун 3200 сўм миқдоридида белгилади.

2.Қаттиқ ва суяк маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун ҳўжалик юритувчи субъектлар учун нарҳини 1 куб метр чиқиндилар учун 35000 сўм миқдоридида белгиланди.

Юқорида кўрсатилган тариф миқдорларини белгиланишига сабаб — энг кам ойлик иш ҳақи ва ёқилги нарҳлари ошиши ҳамда бошқа нарҳларнинг ўзгариши асос бўлади.

Қибрай тумани “Ягона дарча” марказидан 10.08.2017 йилда №209-П реестр рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтган “CHINOBOND NEFT BAZASI” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 200605317) нисоз жамғармасини 109.770.934.822 сўмдан 91.131.471.825 сўмга қайтарилишини маълум қилади. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод к.ф.й, Қизил Шалола маҳалласидаги бино, тел: 71-150-89-01.

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси ва қасаба уюмаси давлолаш факультетининг 1-сон госпитал ва факультет жарроҳлик кафедрасининг собиқ доценти, т.ф.н.
Дилнора Ахмедовна ИСМАИЛОВАННИНГ
вафот этганини муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 29 декабрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинларчилик бўламайд. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эса-

ди. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 29 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларининг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@gmail.uz

Буюртма Г. 1235

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4003 ҳиссада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бунинча турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 18.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ



Азиз ҳамюртлар!

Сизни ва оила аъзоларингизни кириб келаётган
2018 йил билан қизғин табриклаймиз.
Сизларга узоқ умр, тани сиҳатлик,
дастурхонингизга барака, оилавий
баркамоллик ва бахт тилаймиз.

Янги йил Сиз учун чексиз омадлар йили бўлсин!

“Hamkorbank” АТБ жамоаси

Янги 2018
Йилингиз Билан!

0-800-1-200-200
www.hamkorbank.uz

Хизматлар лицензияланган

“1-АВТОБУС САРОЙИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни кириб келаётган янги
2018 йил билан самимий қутлайди!

Дилингизга тугиб қўйган яхши ниятларингиз,
эзгу тилакларингиз рўёбга чиқсин. Хонадонингиз
қут-баракага, файз-тароватга ва болажонларнинг
беғубор кулгуларига тўлсин.

Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги
ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Янги йил
барчамизга бахт-саодат ва омад олиб келсин!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Сизларни кириб келаётган янги 2018 йил
билан самимий қутлаймиз.
Орзу истакларингиз, эзгу ният
ва мақсадларингиз
бошланаётган йилда амалга ошсин.
Янги йилда мамлакатимиздаги барча
соҳаларда амалга оширилаётган
ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари
янада ривожланишига тилакдошимиз!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТИЗАЦИЯСИ ВА
МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

Keng Makon
МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ

25
ЙИЛ СИЗ
БИЛАН БИРГА

Кириб келаётган янги
2018 йил билан табриклаймиз!

Мебель излаяпсизми?
Инсон ҳаётининг 80% мебель
билан боғлиқ

Этибор беринг,
Сизнинг танловингиз
қўйидагича бўлиши керак:

- экологик тоза
- узоқ вақтга чидамли
- дидингизга мос
- қўлай

Нима учун айнан Биз?

- Экологик тоза маҳсулот
- 25 йиллик тажриба
- Юқори технологиялар ва сифат
- Нархлар ва сифатнинг мослиги
- Бетактор дизайн

Кўйидаги ишларни
БЕПУЛ бажарамиз:

- ўлчаш, мутахассисларнинг
маслаҳати ва индивидуал мебель
дизайни
- етказиб бериш
- йиғиш
- сотувдан кейинги сервис
хизматлари
- 36 ойлик кафолат

Биз Бизнинг оилангиз ҳақида қайгураемиз!

“Кенг макон” мебель фабрикасига бориш схемалари

Олмазор тумани
ТАШКЕНТ 2
КОММУНАЛ ХОЗЯЙСТВО
БЕШКОК УЧҚАНА

Мирзо Улуғбек тумани
ул. Бухоро майдони
ул. Мирзо Улуғбек

Яккасарой тумани
ул. Навоий
1-8 ПОТРАПЧАНАЯ

© (98) 300 36 76 www.kengmakon.uz

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан
16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 225-хона.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

2018 йил қутлуғ бўлсин!

Муваффақият
Фаровонлик
Эзгулик
Соғлиқ
Бахт

Gano & Excel

*GANO Team -бу
Менинг Oilam!*

ROYAL MUSHROOM


Манзил: Шайхонтоҳур тумани,
Чигатой-Дарвоза кўчаси, 1 "Б" -уй.
Тел: 249-00-53

"UZ CLAAS AGRO" MASBULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI JAMOASI

юртдошларимизни ҳаммамизга қувонч бағишлаб
кириб келаётган янги йил байрами билан чин дилдан
табриклайди!

2018 йил барчангизга бахт-иқбол, сиҳат-саломатлик,
омад ва фаровонлик олиб келсин.

Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган
ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!



ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни кириб келаётган
янги 2018 йил билан
чин кўнгулдан муборакбод этамиз!
Юртимиз равнақи ва ободлиги
йўлида амалга ошираётган ишларимиз,
эришаётган ютуқларимиз
турмушимиз фаровонлигига
хизмат қилишига тилакдошимиз.
Саховатли осмонимиз узра
тинчлигимиз абадий бўлсин!

"ЎРИКЗОР САВДО КОМПЛЕКСИ" MASBULIYATI
CHEKLANGAN JAMIYATI JAMOASI

UZTELECOM

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АЖ "ТИПТ"
ФИЛИАЛИ JAMOASI

барча юртдошларимизни янги 2018 йил
билан самимий қутлайди.
Бошланаётган йил ҳаммамизга бахт-саодат,
тинчлик-хотиржамлик олиб келсин.
Оилаларга фаровонлик,
ўзингизга эса сиҳат-саломатлик тилаймиз.



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни 2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили билан чин кўнгилдан самимий муборакбод этади. Янги йил қалбларимизга қувонч, хонадонларимизга хотиржамлик ва бахту иқбол, фойзу барака, фаровонлик олиб келсин.

Кўнгилларимизни эзгулик, шодлик ва шукроналик туйғулари асло тарк этмасин. Озод ва обод Ватанимиз равнақи, ёрқин истиқболи йўлидаги эзгу ишларингизда омад ҳамisha ёр бўлсин.

Жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг осмонида ҳамisha тинчлик кабуларлари учиб, заминида муродбахш қуйлар янгрисин. Янги йил барчангизга қутлуг бўлсин!

“NEW LIGHT INVEST” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Royntaxt” кўнгилочар савдо маркази жамоаси янги 2018 йилда барча ҳамшаҳарларимизни қизгин қўллаб, фаровонлик ва бахту саодат тилайди.

“Royntaxt” СКМ
тел: (+99871) 113-23-23

МУСТАҲКАМ ОИЛА СИРЛАРИ

Рухшунос ва олимларнинг фикрича, турмуш қуриш учун энг мақбул ёш қизлар учун 22-25, ўғил болалар учун эса 24-30 ёш экан. Бу ёшга бориб инсон шахс сифатида ривожланган бўлади. Турмуш қуриш масаласига масъулият билан қаралади ва бу ёшда қурилган оилалар мустаҳкам бўлади.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан илк мартаба ёшларга, хусусан, ёш оилаларга амалий кўмак бериш мақсадида “Мустаҳкам оила сари” шиори остида ўтказилган ёш оилалар форумида ана шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда ёшлар ўртасида оила муқаддаслигини тарғиб этиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, оилани режалаштириш, ёш оилалардаги ажрим ҳолатларининг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фарзанд тарбиясида оталарнинг ўрни каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Форумда малакали психологлар, таълим санъаткорлар, маданият ходимлари, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, ёш оилалар, оила қуриш арафасида турган ёшлар қатнашди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марка-

зий кенгаши раиси ўринбосари Д.Каттахонова ва бошқалар оила жамиятининг асосий бўлини экани ва мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Аммо, афсуски, жамиятимизда оила ва никоҳ соҳасида ўта долзарб, оғриқли бўлган муаммолар – турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни энгил-елги тасаввур қилиш, ёш оилалар ўртасида арзимаган сабаблар билан ажралиш ҳолатлари учраб турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июндаги “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мазмундаги аниқламада бу каби кўнгилсиз ҳолатлар натижасида бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолаётганини қатъий

танқид қилиб, ушбу долзарб муаммага эътибор қаратган эди.

Тадбирда ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мутахасссларнинг фикрича, эрта никоҳ – 18-20 ёшгача бўлган ўсмирларнинг турмуш қуриши натижасида тузилган оилаларнинг ҳар учтадан бири турмуш қийинчиликларига бардош беролмай, оилани моддий таъминлашга қурби етмай ва оқибатда келиб чиққан оилавий низолар туфайли ажралиб кетмоқда.

Форум доирасида “Ўзингни англа” психологик хизмат кўрсатиш маркази директори Замира Азимова, Психологлар ассоциацияси психологи Виллят Давлетова томонидан оммавий ҳамда индивидуал суҳбатлар ташкил этилди. Санъаткорлар Шухрат Каюмов, Гавҳар Зокирова, Раъно Шодиевнинг оилавий муаммоларга тўғри ёндашув ҳамда қиз фарзанд тарбиясида оталарнинг ўрни хусусидаги фикрлари тингланди. Шифокор ва ҳуқуқшунослар оилавий ҳаёт билан боғлиқ долзарб масалаларга ўзларининг муносабатини билдирди.

Форум доирасида мавзуга оид маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Хурматли корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда ҳисобчилари диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 2017 йил январь-декабрь ойлари учун қуйидаги:

- **1-K shakli** ойлик давлат статистика ҳисоботини статистика органларига 2 январдан кечиктирмай;
- **3-sanoat shakli** чораклик давлат статистика ҳисоботини статистика органларига 1 январдан кечиктирмай;
- **2-invest shakli** чораклик давлат статистика ҳисоботини статистика органларига 2 январдан кечиктирмай;
- **1-qurilish shakli** чораклик давлат статистика ҳисоботини статистика органларига 3 январдан кечиктирмай;
- **5-narx shakli** ойлик давлат статистика ҳисоботини статистика органларига 17 январдан кечиктирмай;
- **1-ta'lim (MT) shakli** йиллик давлат статистика ҳисоботини статистика органларига 16 январдан кечиктирмай;
- **6-transport shakli** йиллик давлат статистика ҳисоботини статистика органларига 15 январдан кечиктирмай;
- **1-mehnat shakli** (чораклик) ҳисобот давридан кейинги ойнинг 4-санасидан кечиктирмай ва **1-BX shakli** (чораклик) ҳисобот давридан кейинги ойнинг 3-санасидан кечиктирмай топширишлари керак.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг Toshstat.uz расмий веб-сайтидан олишингиз мумкин. Шунингдек, Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда фойдаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантирамыз.** Кўшимча маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг (0-371)230-88-07, (0-371)230-88-08 “Ишонч телефон”ларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! “Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси Сизларни кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган, бўш ер майдонларини узок муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга ТАКЛИФ ЭТАДИ

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2017 йил 27 декабрдаги 7-сонли баёни.

“Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” ДУК

- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй;
- **Умумий ер майдони:** 5 га.
- **Ижарага берилаётган ер майдонлари:** 2 та лот.
- **Жами ижарага берилаётган ер майдони:** 1336 кв.м. (1-лот 650 кв.м, 2-лот 686 кв.м)
- **Коммуникация тармоғи:** электр энергияси ва совуқ сув билан таъминланган.
- **Саноат зонасининг йўналиши:** саноат ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- **Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш тартиби ва муддати:** Танловда иштирок этишни истаган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир неча лотларга таклифлар топширишлари мумкин. Таклифлар 2018 йил 26 январь, соат 18:00га қадар қабул қилинади;

Танлов ўтказиш санаси: 2018 йил 27 январь, соат 15:00;

Танлов ўтказиш манзили: “Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” ДУК, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй;

Маълумот учун телефонлар: 146-16-10, 997-32-93.

Электрон почта манзили: sergeli.kszbd@mail.ru

Чилонзор тумани кадастр хизмати томонидан Ибрагимов Алишер Зарипович номига Чилонзор тумани, 8-қават, 46-уй, 43-хонадон учун берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тиббиёт коллежи (аввалги М.С.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи) томонидан 2003 йилда Шарафова Дилором Хусановна номига берилган № 100987-сонли (2061-руйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ФАОЛ, ШИЖОАТЛИ
ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ёшлик умр баҳори. Ёшликдаги баъзи воқеа-ҳодисалар, жараёнлар киши ҳаётига узоқ муддат, баъзида бир умрга таъсир кўрсатиши, қайсидир маънода унинг келажагини белгилловчи муҳим омилга айланиши мумкин.

Бугун пойтахтимиздаги "Истиклол" санъат саройида жам бўлган йигит-қизларнинг ҳаётида ҳам ана шундай унутилмас кун. Мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ёшлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг имкониятлар йигит-қизларимиз эришган ҳар бир ютуқ ва маррага пойдевор бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, эзгу ғоя ва ташаббусларини рағбатлантиришга ҳақиқий маънода қўмаклашадиган тузилмага айланмоқда.

Давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фаол йигит-қизларни тақдирлаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Хусусан, жорий йилда Президентимиз фармони билан 37 нафар ёш "Дўстлик" ордени ва "Шўҳрат" медали билан тақдирланди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши қарори билан 40 нафар йигит-қиз "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан юртимиз тараққиётига хизмат қилаётган, ўзи фаолият юритаётган соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, ватанпарварлиги ва садоқати билан тенгдошларига ўрناк бўлаётган, халқ эътирофига сазовор ёшларни ҳар йили турли номинациялар бўйича рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти таъсис этилди.

Мазкур мукофот учун давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги, фан-таълим ва ижтимоий соҳа, санъат, маданият, журналистика ва спорт соҳасида 24 номинация бўйича ғолиблар сараланди. Ҳар бир соҳадорга энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдоридagi пул мукофоти топширилди.

Мукофотга вазирилик, идора ва ташкилотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ва ҳудудий ҳокимликлар томонидан барча номинациялар бўйича етти юзга яқин ёш номзод тавсия этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши қўшидаги экспертлар комиссияси томонидан номзодларнинг ҳужжатлари ўрганилиб, 70 нафар йигит-қиз саралаб олинди.

Номзодларни саралашда ёшларнинг йил давомидаги иш самарадорлиги, тизим ёки соҳани ривожлантиришга қўлган ҳиссаси, ўз соҳасига киритган инновацияси, фаолияти орқали давлат ва жамият ҳаётига келтирган амалий ифодаси, жамоат ишларидаги фаоллиги, давлат ва халқаро миқёсда эришган ютуқла-



ри, меҳнатсеварлиги, фидойилиги, интизоми ва иқтидорига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар бир номинация бўйича сараланган 3 нафар номзод тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг www.yi.uz интернет сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштириб, уларга кенг жамоатчилик ва ёшлар томонидан очиқ овоз берилди.

Тошкентлик Ифороҳон Муродова трикотаж матола-ридан либослар ишлаб чиқарадиган якка тартибдаги тадбиркорлардан. Тадбиркорлик билан 3 йилдан буён шуғулланаётган Ифороҳон ўзи сингари ўнга яқин қизни иш билан таъминлади.

– Юртимизда ташаббускор, қобилиятли, билим ва маҳоратли ёшлар жуда кўп, – дейди "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори" номинацияси ғолиби И.Муродова. – Ана шундай иқтидор эгалари орасида менинг камтарона меҳнатим юқори баҳолиниб, ушбу юксак мукофотга лойиқ қўрилганимдан жуда хурсандман. Бу мукофотни менга билдирилган юксак ишонч, масъулият деб биламан. Келажақда самарали ишларим билан бу ишончни оқлашга, халқимиз, юртимиз учун хизмат қилишга ваъда бераман.

Тадбирда санъат усталари ҳамда эстрада хонандалари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири

Ахборот-коммуникация
технологиялариИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ
ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА БЎЛАДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабда 2017-2018 ўқув йили учун 10-синфга қўшимча қабул танлов асосида ўтказилмоқда. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган даъвогарлар нафақат таълим олиш учун қабул қилинади, балки 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан эълон қилинган акция доирасида имтиёз ва преференцияларга ҳам эга бўлади.

Мазкур акция Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Тошкентдаги Инха университети томонидан ўтказилмоқда.

Мактабнинг 10-синфида ўқиш учун кириш имтиҳонларида иштирок этиш истагидаги ўқувчилар ҳужжатлари 2018 йил 6 январгача қабул қилинади. Кириш синовлари доирасида барча даъвогарлар мактаб дастури бўйича физика, математика ва инглиз тили фанларидан ёзма имтиҳон топширади. Улардан энг яхшилари нафақат мактабга қабул қилинади, балки қатор имтиёзларни ҳам қўлга киритади. Хусусан, ойлик йўл чиптаси ва ўқиш давомида фойдаланиши учун шахсий компьютер ҳам тақдим этилади. Шунингдек, ўқувчилар Тошкентдаги Инха университети ўқитувчилари томонидан ўтказиладиган физика, математика ва инглиз тили бўйича қўшимча дарсларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Президентимизнинг 2017 йил 14 сентябрдаги "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарориغا мувофиқ ташкил этилган мактабда ахборот технологиялари бўйича мутахассисларнинг ёш авлоди тарбияланмоқда. Ўқув муассасаси фаолияти истеъдодли ёшлар вақтларини аниқлаш ва уларга ўз салоҳиятини намоён этиши учун барча шaroит ҳамда имкониятлар тақдим этиш имконини беради. Ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари математика, физика, информатика ва чет тилларини чуқур ўрганмоқда, дастурлаш кўникмасини ўзлаштирмоқда, маълумотлар ба-засини яратиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид бошланғич билимларга эга бўлмоқда. Ўқув синфлари ва аудиториялар энг замонавий техника ва ускуналар билан таъминланган бўлиб, бу машғулот вақтида таълим жараёнининг сифатини оширишга хизмат қилувчи илгор ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш имконини беради.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзан айбсиз инсонлар жазоланиши, қилмаган ишлари учун жавоб беришига тўғри келади. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, ҳақиқат албатта юзага чиқади. Беайб инсоннинг гуноҳсиз эканлиги ўз исботини топади.

Н.Аҳмедов ҳам қилмаган иши учун жазога тортилган инсонлардан бири. Гап шундаки, Н.Аҳмедов Юнусобод туманидаги 21-умумтаълим мактабиди директор бўлиб ишлаган. Юнусобод туман судининг 2010 йил 3 декабрдаги ҳукмига кўра Н.Аҳмедов 2006 йилнинг июнь ойидан бошлаб 2010 йил 1 октябргача бўлган вақт мобайнида мактаб директорининг ўринбосари ҳамда мактаб газначиси вазифасини бажариб келган М.Мирзаев билан тил бириктириб, мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақлари ва уларга қўшимча равишда бериладиган устамаларнинг бир қисmini ўзлаштирганликда айбланган.

Суд томонидан Н.Аҳмедовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир қанча моддалари қўлланилиб, жами 27 миллион 129 минг сўм жарима ҳамда 3 йил муддатга мансабдор ва моддий жавобгар шахс лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, М.Мирзаевга эса 13 миллион 564 минг сўм жарима ҳамда мансабдор ва моддий жавобгар шахс лавозимларида иш-

лаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 4 майдаги ажрили билан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 6 январдаги ажримининг Аҳмедов Нурмаҳмат Холматовичга оид қисми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан шу инстанция судида кўриш учун юборилган.

Ушбу ҳолатларга ойдинлик киритиш мақсадида Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси томонидан 21-мактабда 2006 йилдан 2010 йилга қадар мавжуд ҳужжатлар олиниб, улардаги имзолар Н.Аҳмедов ёки М.Мирзаев томонидан қўйилганлигини аниқлаш учун суд-хатшунослик экспертизаси тайинланди.

Суд-хатшунослик экспертизасининг 2017 йил 20 ноябрдаги ҳулосасига кўра Н.Аҳмедов ва М.Мирзаевларнинг бу жараёнларда айбсизлиги исботланди. Бу эса мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари бир томонлама ва юзаки олиб

борилганлигини кўрсатади. Жиноят ишида Н.Аҳмедов ва М.Мирзаевларнинг айбини бевосита тасдиқловчи далиллар топилмаган. Биринчи босқич суди томонидан жиноят ишини суд мажлисида кўриш давомида жиноят ишидаги ҳужжатларга тегишли баҳо берилмаган. Судланувчиларнинг жиноят содир этмаганлиги, айбсизлиги ҳақидаги важларига умуман эътибор берилмаган. Бир сўз билан айтганда, жиноят иши судда юзаки кўрилган.

Юқоридагиларга асосланиб, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси судланувчи Н.Аҳмедов ва М.Мирзаевларни айбсиз деб топди ва оқлади. Уларга етказилган мулкий ва маънавий зарарни қоплаш бўйича тушунтиришлар берилди.

Ҳаёт мана шундай пасду баландликлардан иборат, улардан тўғри ҳулоса чиқариб яшаш эса одамнинг ўзига боғлиқ. Ҳалол меҳнат қилиб, бировнинг ҳақиға хийнат қилмасдан яшашнинг бир қуни албатта мукофоти бўлади. Жиноят эса жазосиз қолмайди.

Абдуалим САЛИМОВ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан контрафакт матбаа маҳсулотларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва қарши курашишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

СИФАТ ВА НАРХ
УЙЎНЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўздавкитоб-савдотаъминоти" масъулияти чекланган жамияти масъул ходимлари, бир қатор нашриётлар ва матбаа корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 1800 дан зиёд матбаа корхоналари фаолият олиб бораётган бўлиб, уларда йилга тўрт мингдан ортиқ ном остида 60 миллиондан зиёд нусхада матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилимоқда. Бу кўрсаткичлар йилдан йилга ортиб бораётганини айтиш лозим.

Мазкур йўналишда қонуний фаолият олиб бораётган, ўз олдиға эзгу мақсадларни қўйиб, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ва ўзи ҳам яхшигина даромадга эга бўлаётган корхоналар кўпчилигини ташкил этади. Аммо қонун талабларига риоя қилмасдан, сохталик йўлини тутиб, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган "ишбилармонлар" ҳам йўқ эмас. Жорий йилда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда икки бор қонун бузилиш ҳолати аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Ноқонуний ноширлик ва матбаа фаолияти би-

лан шуғулланувчи матбаа корхоналарини аниқлаш, савдо мажмуаларида, бозорлар, тургун савдо шохобчаларида сотилаётган матбаа маҳсулотлари мундан талабларига мослигини ўрганиш, стандартан саёз, ғализ фикрли, ахлоқ меъёрлари, маънавият ва миллий кадриятларимизга мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш ва босиб чиқаришнинг олдини олиш мақсадида агентлик томонидан мунтазам мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг сўнги икки ойи давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 444 та матбаа корхонасида мониторинг ўтказилди ва 37 та матбаа корхонасининг гувоҳномалари бекор қилинди.

Тадбирда тургун савдо шохобчалари ва бозор расталарида контрафакт матбаа маҳсулотларининг сотувга чиқиб кетиш ҳоллари, давлат стандартлари ва белгиланган меъёрларга зид равишда чоп этилган маҳсулотларнинг ёш авлод саломамлиги ва маънавий тафаккуримизга салбий таъсири, матбаа корхоналарида сифат ва нарх уйғунлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш каби қатор масалалар муҳофиза қилинди.

Абдували СОДИКОВ

Сўранг,
жавоб берамиз

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномалар қандай тартибда берилади?

С.Абдуллаев, Миробод тумани

– Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризаларига мувофиқ гувоҳномалар беради. Ушбу гувоҳномалар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда берилади.

Шуни таъкидлаш керакки, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳамма меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига кўра ҳар бирага алоҳида берилиши мумкин.

Нотариуслар воёга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз меросхўрларнинг мулкый манфаатларини муҳофиза қилиш учун уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳақида меросхўрлар яшаётган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилади.

Ноидра ТУРОПОВА,
Учтепа туманидаги 6-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қандай манбаларга асосланиб яратилган ва унда инсон ҳуқуқлари қай тартибда ўз аксини топган?

С.Юнусова, Мирзо Улуғбек тумани

– Асосий Қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, тараққий этган давлатларнинг тажрибаларига асосланган, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунилигини тан олган ҳолда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган ҳолда яратилган.

Бош Қомусимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига мос равишда инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари кафолатлаб берилган. Унда инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, уларнинг давлат бошқарувидаги ролини янада оширишда Конституция-мизнинг аҳамияти каттадир. Зеро, инсон эртанги кунига ишониб яшаса, унинг ҳуқуқий асослари кафолатланган бўлса, у нафақат жамият тараққиётининг юксалишига, балки ўзининг шахсий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришларни амалга оширади. Конституциямизнинг 22-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоясининг кафолатлари шундай мустақамланиб қўйилган.

"Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди".

Дилдора ҚУРБОНОВА,
Учтепа туманидаги 7-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва гиёҳвандликка қарши кураш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

А.Мирвалиев, Шайхонтохур тумани

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ гиёҳвандликка қарши курашиш миллий стратегияси ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Бугунги кунда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, таркибида гиёҳванд моддалар бўлган эксинларни йўқ қилиш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда кўпроқ ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари томонидан мактабларнинг юқори синфлари, ўрта махсус ўқув юртлирида жиноятчиликнинг ҳар хил турлари ҳамда наркотик моддаларни истеъмол қилишнинг аянчи оқибатлари хусусида ёш авлодни хабардор этиш, уларнинг ўз саломамлигига эътиборни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай тадбирларда "Қиёматга қолган қарз", "Фитна" каби таъсирчан ҳужжатли фильмларнинг намойиши ёшлар онига чуқур таъсир кўрсатмоқда.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идораларнинг саъй-ҳаракатларидан ташқари "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги юртимизда ёшлар орасида жиноятлар содир этилиши, гиёҳвандлик, диний экстремизм, "оммавий маданият" каби иллатларга қарши курашда катта самара бермоқда. Бунда ёшларни спортга кенг жалб этиш, бўш вақтларини унумли ўтказиш борасидаги ишларнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Одил МУСАЕВ,
Учтепа туманидаги 7-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси